*Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir*

*Высшее благо медицины — здоровье*

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2007 йил 30 январь – 5 февраль № 4 (520) Сешанба кунлари чиқади

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ*

*ҚАРОРИ*

## «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида

*2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламларини янада кенгайтириш ва кучайтириш, аҳолининг муҳтож тоифалари ва оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, аҳоли даромадлари даражасидаги фарқларнинг кескин ошишига йўл қўймаслик, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида:*

1. Қуйидагиларни кўзда тутувчи "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини оширишга, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган тарзда ёндашишга қаратилган янги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги шундай ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш;

"Меҳрибонлик" уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисидан маҳрум бўлган болалар тўғрисида эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, "Сен ёлғиз эмассан" мақсадли вазифасини ҳаётга аниқ татбиқ этиш;

аҳолининг ночор қатламлари – муҳтож оилалар, ногиронлар, ёлғиз қарияларни аниқ ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар ролини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалда жорий этиш;

жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш чора-тадбирларини янада чуқурлаштириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича ишларни такомиллаштириш ва "Соғлом она – соғлом фарзанд" ҳаракатини ҳар томонлама рағбатлантириш, жумладан, мактабларнинг юқори синфлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари ёшлари ўртасида тушунтириш ишлари ва факультатив машғулотлар ўтказиш;

ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими, "Меҳрибонлик", "Саховат" ва "Мурувват" уйлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш механизмини такомиллаштириш, уларнинг меҳнатини, шунингдек, умуман ижтимоий соҳа ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш даражасини ошириш;

ёш авлоднинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг касб маҳорати ҳамда маънавий ўсишини моддий ва ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишни ва спорт билан шуғулланишини ташкил қилиш, ҳаётга қадам қўйаётган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини тайёрлаш ва амалга ошириш;

фахрийлар ва пенсионерларга ёрдам кўрсатиш даражасини янада ошириш, уларнинг давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш, муҳтожларга беғараз ёрдам бериш.

2. "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва унинг мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 декабрдаги Ф-2632-сонли Фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси зиммасига юклансин.

Республика комиссияси аъзоларидан "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг асосий бўлимларини амалга ошириш бўйича 2-иловага мувофиқ таркибда Кенгаш ташкил этилсин.

3. Республика комиссияси ва "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Кенгаш (Ш. Мирзиёев):

икки ҳафта муддатда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир идора, аҳоли пункти, туман, шаҳар ва минтақа бўйича "Ижтимоий ҳимоя йили" ҳудудий ва тармоқ дастурларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласинлар;

республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари даражасида ушбу Дастурнинг бўлимлари ва бандлари тўлиқ ҳамда сўзсиз бажарилиши бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил этсинлар, Дастурга киритилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсинлар;

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури билан тасдиқланган топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот тақдим этиб турсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссияларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин, улар зиммасига Дастур тадбирларининг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши устидан ҳар ойлик мониторинг ва қатъий назорат олиб бориш вазифаси юклансин.

5. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари жамиятда эзгулик ва меҳрибонлик муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда "Ижтимоий ҳимоя йили"нинг мақсадлари ва аҳамиятини кенг кўламда тушунтириш, тадбирларнинг амалга оширилишини, шу жумладан давлат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимият органлари, ижтимоий ва нодавлат хайрия ташкилотлари, ижтимоий таъминот муассасалари, шунингдек, айрим фуқаролар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар жамоалари қўшаётган аниқ ҳиссани мунтазам ёритиб боришни таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 23 январь.



## СОҒЛОМ АВЛОД — ВАТАН КЕЛАЖАГИ

***Навоий вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси тасаррруфидаги вилоят болалар шифохонасида меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари Ижтимоий ҳимоя йилида асосий эътиборни болалар соғлигини мустаҳкамлаш, муҳофазалаш ҳамда даволанувчилар учун етарли шарт-шароитларни таъминлашга қаратиб, бу борада қилиниши керак бўлган ишларни фаоллик билан бошлаб юбордилар.***

***Уларнинг мақсади ягона — у ҳам бўлса келажагимиз пойдевори бўлган фарзандларимиз соғлиги йўлида беминнат хизмат қилишдир.***

## МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
## РАСПОРЯЖЕНИЕ

27 января 2007 года г. Ташкент № 86

**В целях дальнейшей регламентации порядка присвоения квалификационных категорий врачам и оптимизация работы Специализированных аттестационных комиссий Республиканскому Центру лицензирования и аттестации врачей и фармацевтов (А.Б.Яркулов) руководствоваться следующим:**

**1.** Пунктом 1.3. приказа Министерства здравоохранения № 505 от 14 ноября 2006 г. «О совершенствовании системы переподготовки и повышения квалификации врачебных кадров Республики Узбекистан" предусмотрено обязательное прохождение врачами всех ЛПУ повышение квалификации (ПК) в объеме не менее 288 часов (из них 144 часа по прямым формам повышения квалификации с отрывом от основной работы) в течение каждых 5 лет.

Учитывая, что:

- до выхода данного приказа квалификационные категории присваивались при наличии сертификата о прохождении повышения квалификации с отрывом от работы в объеме 144 часов без учета других форм ПК;

**(Продолжение на 2-й стр.)**

## МЕДИЦИНСКИЙ КАЛЕНДАРЬ

**24 марта** – Всемирный день борьбы с туберкулезом
**7 апреля** – Всемирный день Здоровья
**12 мая** – Всемирный день медсестер
**31 мая** – Всемирный день борьбы с курением
**1 июня** – Международный день защиты детей
**14 июня** – Всемирный день Донора
**26 июня** – Всемирный день борьбы с наркоманией
**2-е воскресенье ноября** – День медицинского работника
**1 декабря** – Всемирный день борьбы со СПИДом
**3 декабря** – Всемирный день инвалидов

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: ТЕЛ.: 133-13-22, 133-57-73

# МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
# РАСПОРЯЖЕНИЕ

- выдача сертификатов участникам съездов, конференций и научно-практических семинаров не предусматривалась;

- учебные программы дистанционного обучения по тематическим разделам и специальностям находятся в стадии внедрения.

**Установить,** что в процессе переходного периода, до полноценного функцонирования принципов, изложенных в приказе Минздрава № 505 от 14.11.2006 г., при присвоении квалификационных категорий врачам Республиканскому Центру лицензирования и аттестации (А. Б. Яркулов) в указанные ниже сроки учитывать в числе других следующие документы:

1.1. До 1 июля 2007 г. - только сертификат о прохождении прямых форм повышения квалификации (с отрывом от работы) в объеме не менее 144 часов;

1.2. С 1 июля до 31 декабря 2007 г. - сертификат о прохождении прямых форм повышения квалификации (с отрывом от работы) в объеме не менее 144 часов и сертификаты о прохождении прямых или опосредованных форм ПК в суммарном объеме не менее 36 часов;

1.3. С 1 января до 30 июня 2008 г. - сертификат о прохождении прямых форм повышения квалификации (с отрывом от работы) в объеме не менее 144 часов и сертификаты о прохождении прямых или опосредованных форм ПК в суммарном объеме не менее 72 часа;

1.4. С 1 июля до 31 декабря 2008 г. - сертификат о прохождении прямых форм повышения квалификации (с отрывом от работы) в объеме не менее 144 часов и сертификаты о прохождении прямых или опосредованных форм ПК в суммарном объеме не менее 108 часов;

1.5. С 1 января 2009 г., в соответствии с требованиями приказа Минздрава № 505 от 14.11.2006 г., сертификаты, свидетельствующие о прохождении повышения квалификации в суммарном объеме 288 часов, из которых не менее 144 часов с отрывом от основной работы.

**2.** В целях обеспечения требований приказа № 505 от 14.11.2006г. и создания условий для прохождения прямых и опосредованных форм повышения квалификаций в суммарном объеме 288 часов каждые 5 лет, Ректору Ташкентского института усовершенствования врачей (Д. М. Сабиров), используя потенциал ФУВов АндГосМИ и СамГосМИ, совместно с медицинскими вузами, НИИ, научными и специализированными центрами:

2.1. В срок до 1 июня 2007 г. разработать учебные программы краткосрочных тематических курсов по всем основным специальностям;

2.2. По согласованию с территориальными органами управления здравоохранения составить график и организовать выездные краткосрочные циклы на хозрасчетной основе дополнительно к утвержденному плану 2006-2007 учебного года и на постоянной основе в последующие годы;

2.3. Активизировать работу по внедрению новых форм ПК;

2.4. До 15 февраля 2007 г. разработать образец и описание сертификата участника съездов, конференций, семинаров и прочих форумов, утвердить его в Министерстве здравоохранения и распространить по учебным и научным организациям республики.

**3.** Установленный порядок реализации п.1.3.приказа Минздрава № 505 от 14.11.2006 г. действителен до 1 января 2009 г.

**Министр**
**Ф. Г. НАЗИРОВ.**

**(Окончание. Начало на 1-й стр.)**






# АСОСИЙ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

***2007 йилнинг 25 январь куни Республика Саломатлик институти ва унинг Тошкент шаҳар филиали, Юнусобод туманидаги 25-оилавий поликлиника ҳамда Шаҳристон маҳалласи ҳамкорлигида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги «Оила» илмий-амалий марказининг катта илмий ходими Маҳбуба Мираҳмедова мазкур йилда Давлат дастурининг асосий мақсадлари хусусида тўхталиб, «Оила – бу муқаддас» мавзуида маъруза қилди ва бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Сўнгра, Республика Саломатлик институти ва Саломатлик институтининг Тошкент шаҳар филиали мутахассислари сўзга чиқиб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек, айни пайтда долзарб мавзулар – камқонлик, бўқоқ, аёлларда учрайдиган экстрагенитал ҳамда юқумли касалликлардан грипп, қутуриш ва бошқа хасталикларнинг келиб чиқиши ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Ундан ташқари, 25-оилавий поликлиника бош шифокори Гўзал Қодирова тиббиёт муассасасида олиб борилаётган фаолиятлар ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар тўғрисида гапириб, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида кўрсатиб ўтилган асосий вазифаларни бажариш ҳамда уларни амалга оширишда мақсадли режалар тузилганлигини ва шу бўйича иш олиб бориш зарур эканлигини таъкидлаб ўтди. Тадбирда иштирок этган маҳалла аҳли турли касалликлар бўйича мутахассислардан керакли маслаҳат ва тавсияларни олдилар.

**Фотима ХЎЖАЕВА.**

# ЭНГ МУҲИМИ — НАЗОРАТ

***Куни кеча Республика Давлат санитария-эпидемиология назорат марказининг мажлислар залида айни кунда муҳим мавзулардан бири бўлган «Маҳсулотларга гигиеник сертификат бериш тизимини янада такомиллаштириш»га бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

Унда Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг хўжалик ҳисобида хизмат кўрсатиш ва гигиена сертификати бериш билан шуғулланувчи бўлим мудирлари ва «Ўзстандарт» Агентлиги ходимлари иштирок этдилар. Тадбир асосий маҳсулотларни гигиеник сертификатлаштиришдаги муаммолар ва уларнинг ечими, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга технологик йўриқномаларни тасдиқлаш ва назорат қилиш вазифалари ҳамда санитария-гигиена, бактериологик, радиологик лабораторияларнинг иш фаолиятини яхшилаш, етарли шарт-шароитлар билан таъминлаш масалаларига қаратилди. Сўзга чиққанлар ҳам бевосита юқоридаги мавзуларда маъруза қилиб, керакли муаммоларни ўртага ташлаб, иштирокчилар билан баҳс-мунозара олиб бордилар.



— Мақсад, маҳсулотларни халқ истеъмолига яроқли ҳолда етказиш экан, бу борада санитария-гигиеник қоидаларни тўғри йўлга қўйиб, ишлаб чиқариш воситалари ва маҳсулотларини сертификатлашдир. Шундагина кўзланган натижага тез ва сифатли эришиш мумкин, — дейди Республика ДСНЭМ «Хўжалик ҳисобида хизмат кўрсатишни мувофиқлаштириш ва гигиеник сертификат бериш билан шуғулланувчи бўлимларни назорат қилиш» бўлими бошлиғи А. Мелибоев.

Семинар сўнггида маърузалар муҳокама қилиниб, керакли хулосалар чиқарилди ва қилиниши лозим бўлган ишлар келишиб олинди.

**Намоз ТОЛИПОВ.**

# ВЗАИМООБМЕН ЦЕННЫМ ОПЫТОМ

JICA

***Совершенствование образования медсестер и повышение уровня медсестринского ухода играет важную роль в системе здравоохранения.***

И вот уже на протяжении нескольких лет Министерство здравоохранения Республики Узбекистан и Японское Агентство Международного Сотрудничества (JICA) сотрудничает в области сестринского дела. Результатом этого сотрудничества стало начало реализации в 2004 году "Проекта усовершенствования медсестринского ухода в Узбекистане", рассчитанного на пятилетний период. В рамках проекта предусмотрена подготовка учащихся колледжей по экспериментальному учебному плану, а также и введение в медсестринскую практику новой техники. Согласно утвержденному плану, в рамках реализации "Проекта усовершенствования медсестринского образования", начиная с 2004 года 27 стажеров из Узбекистана прошли обучение в Японии. Основной целью учебных курсов являлось приобретение педагогического и практического опыта, основанного на "Сестринском уходе, ориентированном на клиента". А в 2006 году в Японию было отправлено 8 стажеров для обучения на краткосрочных (4) и долгосрочных (4) курсах.




23 января 2007 года в Международном бизнес центре прошла презентация полученного в ходе стажировки опыта и знаний. Со вступительной речью выступили Нишимия Нориаки, Глава представительства JICA в Узбекистане и Матлюба Алимова, заведующая отделом главного управления кадров и учебных заведений Минздрава. В своей речи представители обеих сторон особо отметили результативность плодотворного взаимного сотрудничества. Участники мероприятия были подробно проинформированы о ходе краткосрочной и долгосрочной стажировки, об опыте и знаниях, приобретенных в этот период. В ходе мероприятия участниками были заданы все интересующие их вопросы и прозвучали подробные ответы на них.



Сотрудничество на пути совершенствования образования и повышения уровня медицинских сестер находит свое отражение во всех мероприятиях, проведенных для этой цели. И несомненно, оно в впредь будет развиваться быстрыми темпами, ведь все это делается для одного – для здоровья человека.

**Ирода ИЛЬХАМОВА.**

*Тема сегодняшнего дня*

# КРОВЬ НА СЛУЖБЕ ЗДОРОВЬЯ



***Донорство – это самое благородное и гуманное дело. Ведь оказание помощи больному путем дачи ему крови считается самым благородным жестом достойным всяких похвал. На сегодняшний день и в нашей республике активно осуществляются ряд мероприятий по пропаганде донорства среди населения, а особенно среди молодежи.***

***Корреспондент газеты "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" Ирода Ильхамова встретилась с директором Республиканского Научно-исследовательского института гематологии и переливания крови Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, профессором Хамидом Якубовичем Каримовым, который подробно рассказал о состоянии донорства в Узбекистане, о развитие донорского движения в нашей стране.***

– Каждую секунду во всем мире у людей различных возрастов может возникнуть и возникает потребность в переливании крови. Хотя потребность в крови это всеобщая потребность, все же доступ к ней всеобщим не является. Безопасная кровь - это величайший природный ресурс страны. А для обеспечения граждан безопасной кровью, в каждой стране должны проводится все мероприятия, направленные на это святое дело. К сожалению, на сегодняшний день нехватка крови ощущается во многих странах мира. И борьба с ней является всеобщей целью. Не зря каждый год 14 июня мы чествуем доноров, то есть всех тех людей, которые дарят свою кровь во имя здоровья окружающих. Объявление 14 июня Всемирным днем донора крови это проявление благодарности и уважения пациентов и их близких.

Как было упомянуто выше, ежегодно миллионы жителей нашей планеты нуждаются в донорской крови. К тому же, встречаются и такие люди, которые нуждаются в препаратах крови на протяжении всей жизни. *Это люди страдающие гемофилией – геморрагическим заболеванием, наследуемым дефектом плазменных факторов свертывания. В случае своевременной адекватной поддерживающей терапии самочувствие этих пациентов значительно улучшается.*



*Также донорская помощь нужна в лечении пациентов с онкологическими заболеваниями. При лечении злокачественных опухолей проводимое путем химио или лучевой терапии убийство опухолевых клеток на определенное время останавливает и нормальное кроветворение. Именно в этот период пациенту просто необходима поддерживающая терапия компонентами донорской крови.*

*Немаловажна роль донора для лечения больных с хирургической патологией. При хирургическом вмешательстве пациентов с травмой сосудов, тканей, с необходимостью восстановления утерянных компонентов крови, данное мероприятие имеет очень большое значение.*

*Как известно, здоровая мать – здоровый ребенок. Охрана здоровья матери – это забота о здоровье будущего поколения. В данном случае можно отметить, что нередко донорство требуется женщинам во время родов.*

Итак, из приведенных выше фактов мы еще раз убедились в том, что переливание крови является необходимым и самым главным мероприятием, осуществляемым для охраны здоровья граждан.

Раз в год около четверти миллиона жителей Узбекистана для оказания помощи своим больным согражданам сдают кровь и плазму.

*Так, например, если вглядеться в цифры, то за прошлый 2006 год по всей республике было заготовлено 67 т. 170 л. крови.*

Следует учесть и тот факт, что донорство представляет собой акт высокой ответственности. Ведь перед переливанием крови донора следует проводить тщательные анализы для предотвращения случаев передачи различных инфекций. Доступ к безопасной крови и её продуктам для всех больных, чье лечение зависит от переливания крови, приводит к сокращению случаев заболеваемости и смертности. Первой и наиболее важной линией защиты от передаваемых при переливании крови инфекций является сбор крови от самых безопасных доноров. Переливание крови, зараженной различными инфекциями, связано с серьезной опасностью передачи инфекции реципиенту. По данным Доклада Секретариата на Пятьдесят восьмой сессии Всемирной ассамблеи здравоохранения, больные, получающие кровь от добровольных доноров, регулярно сдающих кровь, подвергаются самой незначительной угрозе получения передаваемых с кровью патогенов после переливания, поскольку доноры поступают на основе альтруистических мотивов, не имея оснований скрывать причин, по которым их кровь может быть небезопасной. Только проведение тщательного обследования может способствовать эффективности переливания донорской крови.

Для пропаганды расширения донорства среди населения, большую роль должны сыграть сами доноры, врачи и больные, нуждающиеся в переливании крови. Как и сами медицинские работники, так и представители средств массовой информации, и постоянные доноры должны осуществлять поддержку в виде пропаганды донорства в учреждениях. Как во всем мире, так и у нас пропаганда донорства становится уделом больных и их родственников. К сожалению, при многих заболеваниях донорская кровь просто необходима. И в таких случаях сами доноры и их близкие становятся пропагандистами донорского движения. Особенно примечателен тот факт, что на сегодняшний день, осознавая всю актуальность нехватки донорской крови, студенты ВУЗов страны становятся добровольными донорами. Несомненно, этот акт благородства говорит о том, что молодежь воспитывается в духе любви к родине, помощи и поддержки окружающим. Сегодня в нашей стране в целях пропаганды донорства успешно ведут свою деятельность общественный благотворительный фонд "Кровь на службе людям" и организация Международной федерации Красного Полумесяца. Благодаря общим усилиям мы добиваемся ощутимых результатов в этом деле. Но, в то же время, привлечение масс к ряду доноров, повсеместная пропаганда донорства, не может оставаться уделом двух-трех организаций. Это благородное дело должно вестись шире, в него должна привлекаться вся общественность, особенно молодежь. И для осуществления данной цели в школах, академических лицеях, профессиональных колледжах, а также в высших учебных заведениях, преподавателями должна проводится активная работа с учащимися. В ходе данной работы учащиеся должны подробно информироваться об актуальности донорства, о его роли в борьбе с различными заболеваниями, ведении здорового образа жизни.



Ведь именно здоровье населения должно быть самой большой целью ведущей нас по всей жизни. А молодежь – продолжатели начатых дел и строители завтрашнего дня, должна полностью осознавать и придерживаться этой жизненной цели.

Еще раз хотелось бы обратиться ко всем пациентам, их близким, донорам и представителям средств массовой информации с просьбой оказать помощь в пропаганде столь благородного и гуманного дела. Ведь средства массовой информации – это своеобразный взгляд на окружающие события. С помощью СМИ мы получаем информацию, анализируем и делаем наше собственное заключение, которое в дальнейшем становится своеобразным путеводителем в жизни.

***Если вы столкнулись с заболеваниями крови или хотите получить более подробную информацию о донорстве, обращайтесь в Научно-исследовательский институт гематологии и переливания крови Министерства здравоохранения Республики Узбекистан. Тел.: 8 (371) 278-25-84.***

***Действительно, тема, затронутая в нашей беседе, по своей сути является актуальной не только в нашей Республике, но и во всем мире. И для решения этой задачи должны быть задействованы все силы. Редакция газеты "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" благодарит всех добрых людей, доноров, которые своим гуманным делом приносят здоровье и надежду в жизнь больных. И пусть крепкое здоровье, удача и счастье будут постоянно сопутствовать вам. Будьте милосердны и добры друг к другу. Ведь человек и создан для того, чтобы заботиться и беречь окружающих, вселять в них жизнь и дарить всю теплоту человеческой души.***

**НА СНИМКАХ:** *фрагменты деятельности НИИ ГиПК.*
**Автор снимков 2-3-страниц Асен НУРАТДИНОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фармацевтика фаолиятини лицензиялаш Кенгаши маълум қилади

# Фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун берилган лицензияларининг ўз аризалари асосида амал қилиши тугатилган юридик шахслар рўйхати

| | | | |
|---|---|---|---|
| 26. | «БУХФАРМ» ихтисослашган илмий и/ч корхонаси МЧЖД - Бухоро вилояти | № 2258 924-02 14.03.02 й | 09.03.06 й 4-сон қарор |
| 27. | «OXY-MED» МЧЖ шаклидаги ККД шахобчалари - Тошкент шаҳри, 7-массив, 1/1-2. Андижон шаҳ. 2-тупик, 13-уй. | ЛБ-1064/1681-03 21.10.05 й. | 09.03.06 й 4-сон қарор |
| 28. | «DIOPTRIKS» ХФД - Тошкент вилояти | № 3233 1984-03 31.07.03 й. | 09.03.06 й 4-сон қарор |
| 29. | «TOSHKENT SHAHAR DORI-DARMON» ОАЖ 3 та шахобчаси - Бектемир тум. Қўйлиқ бозори, 4-блок; Юнусобод тум. Олой бозори, 40-уй; Ҳамза тум. Боку кўч. 81-уй. | ЛБ-2882/2542-04 18.08.04 й. | 09.03.06 й 4-сон қарор |
| 30. | «ОЛТИН КЎЛ» ЖКД - Наманган вилояти | № 1512 84-01 21.02.01 й. | 09.03.06 й 4-сон қарор |
| 31. | «OLESYA SAVDO» ХФД ва шахобчаси - Тошкент шаҳри | № 4644 4281-04 20.12.04 й. ЛБ-4747/4281-04 15.04.05 й. | 09.03.06 й 4-сон қарор |
| 32. | «ВОДИЙ ФАРМА» МЧЖД шахобчаси - Андижон вилояти | ЛБ-207/948-02 21.10.04 й. | 09.03.06 й. 4-сон қарор |
| 33. | «НИЛУФАР» и/ч савдо фирмаси дорихонаси - Навоий вилояти | № 2035 674-01 29.11.01 й. 1073-вақт. рухс. | 09.03.06 й 4-сон қарор |
| 34. | «НАЪМАТАК» хусусий и/ч ф.д. шахобчаси - Фарғона вил. | ЛБ-3189/3154-04 14.04.05 й. | 09.03.06 й. 4-сон қарор |
| 35. | «САМАРҚАНД ДОРИ-ДАРМОН» ОАЖ 17-сонли шахобчаси - Самарқанд вилояти | ЛБ-2821/2546-04 01.06.04 й. | 09.03.06 й 4-сон қарор |
| 36. | «SAID HOJI» ХФД - Тошкент шаҳри | № 4257 3809-04 28.07.04 й. | 09.03.06 й 4-сон қарор |
| 37. | «MAXFUZA-FARM» ХФД - Тошкент шаҳри | № 3022 03.04.2003 й. 1743-03 2280-вақт. рухс. | 09.03.06 й 4-сон қарор |
| 38. | «SARBON-FARM» ХФД - Сурхондарё вилояти | № 5456 5162-06 26.01.06 й. | 09.03.06 й. 4-сон қарор |
| 39. | «KOZIMJONSAVDO» ХФД Тошкент шаҳри | № 1714 303-01 17.05.01 й | 09.03.06 й 4-сон қарор |
| 40. | «ЗИЛОЛА» МЧЖД шахобчаси | ЛБ-2359/2345-04 09.04.04 й. | 09.03.06 й 4-сон қарор |
| 41. | «Турғуной Ҳожи» ИЧСФД - Фарғона вилояти | У0480 3622-04 15.06.04 й. | 30.03.06 й. 5-сон қарор |
| 42. | «Наманган ДОРИ-ДАРМОН» ОАЖ 5-сонли дорихона шахобчаси | | 30.03.06 й. 5-сон қарор |
| 43. | «Ибн Сино» халқаро жамғармаси Андижон вилояти бўлимига қарашли «Medium» кичик корхонаси - Андижон вилояти | 2619 1314-02 19.09.02 й. 1816-вақт. рухс. | 30.03.06 й. 5-сон қарор |
| 44. | «A.T.Baxodirxon» ХФД - Андижон вилояти | 3230 1981-03 31.07.03 й. | 30.03.06 й. 5-сон қарор |
| 45. | «Farm Arno» ХФД - Тошкент шаҳри | 2557 1244-02 01.08.02 й. | 30.03.06 й. 5-сон қарор |
| 46. | «Бодил» ХИЧТФД шахобчаси - Хоразм вилояти | ЛБ-850/1530-02 26.12.02 й. | 30.03.06 й. 5-сон қарор |
| 47. | «Lechiva Farmsanoat» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси - Сирдарё вилояти | УП1837 2888-04 13.04.04 й. | 30.03.06 й. 5-сон қарор |
| 48. | «Эврика-Люкс» ИЧСКД - Андижон вилояти | 3603 2766-04 13.04.04 й. | 30.03.06 й. 5-сон қарор |
| 49. | «САМАРҚАНД ДОРИ-ДАРМОН» ОАЖ 20-, 24-, 18-сонли дорихона шахобчалари - Самарқанд вилояти | ЛБ-2821/2546-04 12.08.04 й. | 30.03.06 й. 5-сон қарор |
| 50. | «Hamkorlik iko» МЧЖД ва шахобчаси - Тошкент шаҳри | УП3158 2109-03 27.09.04 й. ЛБ-4466/2109-03 | 30.03.06 й. 5-сон қарор |
| 51. | «Сайдулло-М» хусусий дорихонаси - Андижон вилояти | № 4125 3651-04 06.07.04 й. | 21.04.06 й. 6-сон қарор |
| 52. | «ФармМед» ХФД - Навоий вилояти | 2062 реестр 701-01 29.11.01 й. | 21.04.06 й. 6-сон қарор |
| 53. | «MAFZIY» ХИЧФД шахобчаси - Тошкент шаҳри | ЛБ-2540/2462-04 28.04.2004 й. Пр-л № 4 | 21.04.06 й. 6-сон қарор |
| 54. | «TASHKENT FARM» МЧЖД шахобчаси - Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, 11-уй. | ЛБ-4527/4091-04 29.03.06 йилдаги қўшимчаси Пр-л № 4 | 21.04.06 й. 6-сон қарор |
| 55. | «ФЕРСТ ФАРМАСЬЮТИКАЛ ЛИМИТЕД» ШКДД - Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 8-А уй. | ЛБ-2751/2509-04 25.05.2004 й. Пр-л № 4 | 21.04.06 й. 6-сон қарор |

(Давоми. Боши 4-бетда).

| | | | |
|---|---|---|---|
| 56. | «YURANI» МЧЖД ва шахобчаси - Тошкент вил. Тошкент шаҳ. | № 3837 3272-04 13.05.04 й. ЛБ-3089/3272-04 28.06.04 й. | 21.04.06 й. 6-сон қарор |
| 57. | «NASRULLO NURLI» - ХФД шахобчаси - Тошкент шаҳ. Юнусобод тум. А. Дониш кўч. 12-мавзе, 33-В. | ЛБ-1557/1941-03 25.10.05 йилдаги қўшимчаси. Пр-л № 13 | 21.04.06 й. 6-сон қарор |
| 58. | «ДИЛФУЗА» ХТД шахобчаси - Сурхондарё вилояти | ЛБ-4840/4249-04 22.04.05 йилдаги қўшимчаси. Пр-л № 5 | 21.04.06 й. 6-сон қарор |
| 59. | «Милан фарм» МЧЖД ва шахобчаси - Наманган вилояти | 4500 реестр 4122-04 08.11.04 й ЛБ-4625/4122-04 01.04.05 йилдаги қўшимчаси. Пр-л № 4 | 21.04.06 й. 6-сон қарор |
| 60. | «Chat Klub» МЧЖД - Тошкент шаҳ. | 4590 4221-04 30.11.04 й. | 12.05.06 й. 7-сон қарор |
| 61. | «Сумбулча» МЧЖД - Фарғона вилояти | 4475 4087-04 18.10.04 й. | 12.05.06 й. 7-сон қарор |
| 62. | МЧЖ шаклидаги «Tecno Art» Ўзбекистон - Туркия ҚКД - Тошкент шаҳри | П2547 99-01 1324-сон вақт. рухс. | 12.05.06 й. 7-сон қарор |
| 63. | «Iroda Nigora» МЧЖД - Тошкент вилояти | 5355 5062-05 13.12.05 й. | 12.05.06 й. 7-сон қарор |
| 64. | «Хорунбек XXI аср» ХФД шахобчаси - Фарғона вилояти | ЛБ 2070/2083-03 05.12.30 й. | 12.05.06 й. 7-сон қарор |
| 65. | «Ifa Farm» МЧЖД шахобчаси - Тошкент шаҳ. Чилонзор тум. 9-12-2-уй. | 1294/1820-03 23.05.03 й. | 02.06.06 й 7-сон қарор |
| 66. | «Зилол» санатория типли даволаш-ташҳис марказининг дорихонаси - Сурхондарё вил. Денов шаҳ. Лолазор кўч. 25-уй. | 1928 544-01 23.08.01 й. вақт. рухс. № 828 | 02.06.06 й. 7-сон қарор |
| 67. | «Aloqa-Xamid-Farm» ХКД - Тошкент шаҳ. Алоқа бекати. Беруний кўч. 30/1-уй. | 4026 3503-04 01.06.04 й. | 02.06.06 й. 7-сон қарор |
| 68. | «Markazoziqovqatsavdo» ШХЖ - Тошкент шаҳ. Шайхонтоҳур тум. Навоий кўч. 25-уй. | П3015 503-01 27.08.03 й. | 02.06.06 й. 7-сон қарор |
| 69. | «Il'xom Nabiyevich» МЧЖД - Самарқанд шаҳ. Регистон кўч. 38/1-уй (д: А. Темур кўч. 129-А-уй) | 5352 5059-05 22.11.05 й | 02.06.06 й. 7-сон қарор |
| 70. | МЧЖ шаклидаги «Тош-Тамед-Фарма ЛТД» Ўзбек-Олмония ҚК - Тошкент шаҳ. С. Раҳимов тум. М. Мирпўлатов кўч. 1-А уй. | У0045 2483-04 25.03.04 й | 02.06.06 й. 7-сон қарор |
| 71. | «SuLtonxo'ja» ХФД - Тошкент шаҳ. С. Раҳимов тум. Қорақамиш 1/4 даҳа, 2/62-уй. | 3856 3291-04 13.05.04 й. | 02.06.06 й. 7-сон қарор |
| 72. | «Ферст Фармасьютикал ЛТД» шўъба корх. 1-дорихонаси - Тошкент шаҳ. Яккасарой тум. Бобур кўч. 13/29-уй. | ЛБ 2751/2509-04 25.05.04 й. | 02.06.06 й. 7-сон қарор |
| 73. | «MAAXDOR» шўъба корх. дорих. шахобчалари - Тошкент шаҳ. М. Улуғбек тум. Қорасув 2-даҳа, Матқобулов кўч. 36-А уй; Тошкент шаҳ. М. Улуғбек тум. С. Азимов кўч. 42-уй. | ЛБ (қўшимча) 555/1803-01 16.12.04 й. | 02.06.06 й. 7-сон қарор |
| 74. | «Беш юлдуз М.М.Р.» ХФД шахобчаси - Андижон вил. Шаҳрихон шаҳ. А. Темур кўч. 3-уй. | ЛБ 830/1492-02 16.06.05 й. | 02.06.06 й. 7-сон қарор |
| 75. | «Venofer-Delta» ИЧСФ - Навоий вил. Қизилтепа ш/х. Ванғози қишлоғи | 4543 4174-04 30.11.04 й. | 02.06.06 й. 7-сон қарор |
| 76. | «Shifo» ХКД шахобчалари - Навоий вил. Навбаҳор тум. Бешработ қўрғ. Бобур шоҳ кўч. 5-уй; Навоий вил. Навбаҳор тум. Қалқон-ота қўрғ. 8-уй. | ЛБ 4522/3393-04 23.02.06 й. | 02.06.06 й. 7-сон қарор |
| 77. | «Бегойим» ХИЧСФД - Қашқадарё вил. Косон шаҳ. Охунбобоев маҳ. Ш. Бердиев кўч. 1-уй. | 5472 5178-06 16.02.06 й. | 02.06.06 й. 7-сон қарор |
| 78. | «Real-Nam» МЧЖ | П3051 1520-02 27.08.03 й. | 02.06.06 й. 7-сон қарор |
| 79. | «Luer-Lux» МЧЖ улгуржи омборхона филиали - Фарғона шаҳ. А. Яссавий кўч. 49-А уй. | ЛБ 5144/4576-05 13.04.05 й. | 02.06.06 й. 7-сон қарор |
| 80. | «МАНАТ КОРПОРЕЙШН» МЧЖД - Андижон вилояти | № 4661 43-06-05 10.01.05 й. | 22.06.06 й. 8-сон қарор |

(Давоми бор).

*Неврология*

# РАССЕЯННЫЙ СКЛЕРОЗ

***Рассеянный склероз - это ремиттирующее заболевание нервной системы, обусловленное возникновением рассеянных по головному и спинному мозгу очагов димиелинизации, которые со временем либо исчезают, либо замещаются глиозными рубцами («бляшками»).***

**Этиология, патогенез**

Причина недостаточно ясна; вероятно, соучастие аутоиммунных механизмов. Димиелинизирующий процесс поражает преимущественно белое вещество ЦНС. Поврежденный участок может подвергаться ремиелинизации или после распада миелина повреждаются и осевые цилиндры с последующим развитием характерной плотной глиозкой "бляшки" размером от нескольких миллиметров до нескольких сантиметров. Ремиелинизация лежит в основе клинических ремиссий. С развитием рубцов функция поврежденной системы нарушается необратимо.

**Симптомы, течение**

Заболевание возникает обычно в молодом возрасте, в детском возрасте и после 50 лет болезнь развивается крайне редко. Первые симптомы болезни - обычно преходящие моторные, сенсорные (чаще парестезии) или зрительные нарушения. С годами вновь возникающие очаги поражения уже не подвергаются обратному развитию. Тяжесть клинической картины неуклонно нарастает. Чаще других поражаются пирамидная и мозжечковая системы и зрительные нервы (ретробульбарный неврит). В развитой стадии болезни почти всегда (в 90 % случаев) имеется нижний спастический пара – или тетрапарез. Наряду с этим выражены мозжечковые расстройства: атаксия, дизметрия, дизартрия, нистагм. Обычно наблюдается грубый тремор конечностей и головы: дрожание выявляется при активных движениях и напряжении, но может быть и статическим. Триада Шарко (нистагм, скандированная речь, интенционное дрожание) частые признаки рассеянного склероза.

Поражение зрительных нервов выражается в снижении остроты зрения (стойкая слепота относительно редка) и побледнением височных дисков на глазном дне. Обычны нарушения мочеиспускания. У многих больных имеется своеобразная эйфория, в далеко зашедших стадиях болезни нередко наблюдается деменция. Наиболее характерная черта болезни (приблизительно в 85 % случаев) - ремиттирующее течение: периоды обострения в виде усугубления имевшихся симптомов или появления новых сменяются значительным улучшением, а нередко и полным исчезновением всех или отдельных признаков болезни. Длительность улучшений может колебаться от нескольких часов - до нескольких лет. Особенно демонстративны по степени улучшения ремиссии в первые годы болезни. Через несколько лет, однако, большинство больных оказываются в той или иной степени инвалидами. В этих развернутых и необратимых стадиях болезни особенно характерно сочетание парезов с атаксией. У многих больных началу болезни и ее обострениям непосредственно предшествуют лихорадочные заболевания, вакцинация, травмы, операции, беременность.

Из параклинических исследований существенную роль играют изменения в глазном дне, в спинномозговой жидкости. Последние характеризуются небольшим плеоцитозом, умеренным повышением белка, "паралитическим" типом коллоидной реакции Ланги и повышением уровня гамма-глобулинов, те или иные аномалии в составе спинномозговой жидкости имеются почти в 90 % случаев.

Дифференциальный диагноз с рассеянным нейросифилисом основывается на исследовании серологических реакций в крови и спинномозговой жидкости. Однофокусные формы рассеянного склероза дают повод к предположению опухоли головного и спинного мозга. Правильной диагностике рассеянного склероза помогают указания на преходящие неврологические нарушения в прошлом и данные ангиографии или миелографии. Врожденные аномалии на уровне краниовертебрального перехода нередко удается распознать с помощью простой рентгенограммы этой области. Побледнение сосков зрительных нервов не является специфическим признаком рассеянного склероза и указывает лишь на ретробульбарное расположение патологического очага любой этиологии, в целом ретробульбарный неврит только в 50 % случаев связан с рассеянным склерозом.

**Лечение.** При дебюте и обострениях болезни назначают глюкокортикоидные гормоны или кортикотропин (АКТГ). Суточные дозы и длительность цикла определяются конкретной ситуацией. В хронической стадии болезни решающую роль играют массаж, лечебная физкультура, профилактика интеркуррентных инфекций.

**Прогноз.** Заболевание прогрессирует и постепенно приводит к инвалидизации больных. Средняя длительность болезни около 25 лет, однако возможны и другие сроки. Причиной смерти чаще всего служат интеркуррентные инфекции (урологический сепсис, пневмония и др.), реже - поражение жизненно важных центров в стволе мозга самим демиелинизирующим процессом. Выделяется особая, доброкачественная форма болезни, при которой больные многие годы сохраняют трудоспособность.

**Рекомендации врача невропатолога для больных рассеянным склерозом:**

С этой болезнью можно бороться и долго жить, если с самого начала придерживаться врачебных рекомендаций и перейти на образ жизни, соответствующий твоим возможностям, знать причины, в связи с которыми болезнь может обостриться, стараться не допускать их. Это воспалительные заболевания, перегрев в бане и, что еще страшнее, на солнце, перемена климатических условий, физическая или эмоциональная травма. Порой толчком для ухудшения самочувствия становятся обильная еда, особенно горячая. Вот почему больному рассеянным склерозом надо четко знать, что можно, а что нельзя.

Больные этим недугом могут избежать обострений и надолго сохранить трудоспособность, если не будут набирать лишний вес (при этой болезни он смерти подобен) и будут соблюдать диету, близкую к диете больных диабетом. Прежде всего надо ограничить мучные изделия, сахар, варенье. Жиров лучше есть поменьше. А вот белое мясо, рыба, творог, сыр – пожалуйста.

Полезны печеный картофель, тыква, квашеная капуста, чернослив, курага, изюм (съеденные натощак всего 2-3 черносливы и столько же кураги облегчают работу желудка, кишечника, нормализуют стул, а щепотка изюма улучшит работу сердца). Из зелени и овощей отдавайте предпочтение петрушке, сельдерею, крапиве, луку, чесноку, укропу, моркови, красной свекле, тыкве, капусте, огурцам, томатам. Очень важно не терять присутствия духа. Не забывайте – движение, зеленая пища, закаливание и время для сна необходимы.

С ранней весны и до поздней осени спите с открытыми окнами, дома и в огороде, ходите только босиком. После утренней физзарядки на дно широкого таза налейте холодной воды и топчитесь в ней 5-7 минут, затем все тело оботрите полотенцем, смоченным холодной водой. Все это улучшает обмен веществ, повышает насыщенность крови кислородом. Чтобы быстро уснуть и быстробудно спать 6-8 часов, перед сном смочите верхнюю губу и крылья носа отваром пустырника или валерианы, выпейте 0,5 стакана теплого молока с медом (одна чайная ложка) и уже лежа в постели настройте себя на благодушный лад - глубокий сон обеспечен.

Больному надо найти в себе силы не конфликтовать с окружающими, а если споры возникнут, не важно, по чьей вине, то лучше в этом случае отойти в сторону. Ни в коем случае не взваливать вину за развитие болезни на окружающих, этим можно добиться только ее обострения.

Научитесь быть терпимыми, только в этом случае можно рассчитывать на поддержку родных и друзей. Многие больные рассеянным склерозом отдаляются от людей, и это еще больше подрывает здоровье. Для душевного комфорта надо ходить в кино, на концерты, посещать выставки.

Рассеянный склероз неизлечим, но протекает он своеобразно. Бывают улучшения здоровья, вот их-то и нужно использовать, чтобы тщательно заняться собой - пройти полное медицинское обследование, сдать анализы: кровь (общий и на сахар), мочу, кал, провести биохимическое исследование крови, проверить зрение. Делайте это не реже одного раза в год.

Планируйте свою жизнь на неделю, месяц, год. Ставьте перед собой определенную цель. И не отчаивайтесь. Живите долго.

**Т. ЗАХАРОВА,**
**врач-эпидемиолог**
**г. Чирчика.**

*Санъат*

# ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ БОЙИТИБ

***Республикамизда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг малакали билим олишини таъминлаш ва ижтимоий ғамхўрлигини оширишга бағишланган тадбирларнинг ўтказилаётганлиги фикримиз далилидир.***

Айниқса, таълим, янгича ўқитиш тизимларини қайтадан ислоҳ қилиш ва ишлаб чиқиш каби вазифалар турли ўқув муассасаларида жорий этилганлигини ҳар қадамда кўриш мумкин. Бунинг исботи сифатида айтиш мумкинки, ҳозирги пайтда таълим даргоҳларида маънавият ва маърифат ишларининг жадаллик билан олиб борилиши том маънода ана шундай истеъдодли, билимли ёшлар камол топиши учун замин бўлиб келмоқда. Хабарингиз бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг таълим муассасаларида халқ ижодиёти, фольклор-этнографик дасталарни тузиш тўғрисида махсус қарори ишлаб чиқилган эди. Шунга асосан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли Сергели тиббиёт коллежида ҳам бу вазифалар аъло даражада ташкил этилиб, яқинда «Марварид» фольклор-этнографик дастасининг тақдимоти юзасидан байрам тадбири бўлиб ўтди.



Тадбирни коллежнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Абдунаби Орипов кириш сўзи билан очиб, ушбу тақдимотнинг ўтказилишидан асосий мақсад, ёшларни Ватанга, тарих ва келажакка ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг бой маънавий дунёсини ошириш масалалари учун ўтганлигини таъкидлади. Сўнгра, А. Қодирий номидаги Тошкент Маданият институти халқ ижодиёти кафедраси мудири Саодат Йўлдошева томонидан ёзилган «Кўҳна удумлар» деб номланган саҳна кўриниши «Марварид» фольклор-этнографик дастасининг илк дебюти сифатида иштирокчиларга тақдим этилди. Асарда бугун ва ўтмиш халқ оғзаки ижодиёти намуналаридан гулдаста олинган бўлиб, унда ўзбек ҳаётининг ўлмас ва қадимий удумлари саҳна кўринишлари орқали томошабинларга кўрсатиб берилди.



Тадбирнинг бош мавзуси, ўзбек халқининг бетакрор анъаналарини давом эттириш, уни ёшлар онгида шакллантириш, ота-боболаримиз амалий ижодиётини ўрганиш ва татбиқ этишдан иборатдир.

***Тақдимот ташкилотчилари ва фольклор иштирокчиларига коллеж маъмурияти томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.***

**Намоз ТОЛИПОВ.**

*Фикр*

*Ҳаёт ҳар бир инсонга улкан ва бебаҳо туҳфа инъом этади, бу куч-қувватга тўла ёшлик, билим ва курашга чанқоқлик, ишонч ҳамда орзу умидга тўла ўспиринликдир.*

## НОН – РИСҚУ РЎЗИМИЗ



*Айниқса, темир моддасига бойитилган уннинг нони фойдали эканлиги инсонлар соғлиги учун ниҳоятда қўл келмоқда. Ҳатто болажонларимиз ҳам ушбу ундан тайёрланган ширмой нонларни мазза қилиб истеъмол қилмоқдалар.*

**Асен НУРАТДИНОВ олган сурат.**

## БАХТЛИ БОЛАЛИК

Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги халқ таълими бўлимига қарашли 14-сонли «Нилуфар» болалар боғчасида меҳнат қилаётган ходимларни қанчалар эътироф этсакда камлик қилади. Улар болаларга тарбия бериш билан бир қаторда турли хилдаги тадбирларни ҳам ўтказиб келмоқдалар. Айниқса, Ватанга муҳаббат, ота-она ва катталарга бўлган ҳурмат ҳамда миллий урф-одатларимизга хос фазилатлар мужассам этган тадбирлар ўз вақтида ўтказилаётганлиги барчага манзур бўлмоқда. Бунда асосан, боғча мудираси Ҳикоят Ғофурованинг ҳиссаси каттадир. Мазкур масканда тарбияланаётган болажонлар учун яратилган шароитларнинг мавжудлиги уларнинг соғлом ва баркамол ўсишларида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.



**Х. ТОШМУҲАММЕДОВ.**

**СУРАТДА:** *бахтли болалик туйғусини дилдан ҳис этган тарбияланувчи Барно Ғофуржонова Ватан ҳақидаги шеърини барчага фахр-ифтихор билан айтмоқда.*

**Муаллиф олган сурат.**

## Инглиз тилини ўрганамиз



Let me introduce the members of our delegation. Делегация аъзолари билан таништиришга рухсат этсангиз. Разрешите представить членов делегации.

The Organizing Committee is on the second floor. Ташкилий қўмита иккинчи қаватда жойлашган. Организационный комитет находится на втором этаже.

I'm a representative of the ... delegation. Мен ... делегацияси вакилиман. Я представитель делегации из...

We came here in accordance with the exchange programme. Биз бу ерга алмашинув дастурига асосан келдик. Мы приехали сюда в соответсвии с программой по обмену.

You are welcome! Хуш келибсиз! Добро пожаловать!

The motto of the festival is .... Фестиваль шиори .... Девиз фестиваля ....

There are 5 items on the agenda. Кун тартибига бешта масала киритилган. В повестке дня 5 вопросов.

Closing speech. Якунловчи сўз. Заключительное слово.
Debate. Мунозара. Прения.
Draft. Лойиҳа. Проект.
Leaflat. Варақа. Листовка.
Minutes. Протокол. Протокол.
Motion. Таклиф. Предложение.

**Ирода ИЛҲОМОВА тайёрлади.**

*Сарҳисоб*

## МАҚСАДЛИ ДАСТУР АСОСИДА

***Хабарингиз бор, ўтган йили ЭКОСАН халқаро ташкилоти томонидан махсус дастур асосида мамлакатимизда экологик тадбирлар ўтказилиб, аҳолига кўплаб инсонпарварлик ва мурувват ёрдамлари кўрсатилган эди.***




Шу йилнинг январь ойида ЭКОСАН халқаро ташкилотининг 2006 йил экологик якунлари ҳамда 2007 йил – «Ижтимоий ҳимоя йили»даги вазифаларига бағишланган тадбири бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, олим ҳамда мутахассислар иштирок этдилар. Йиғилишда ЭКОСАН халқаро ташкилотининг вазифалари, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилиши режалаштирилаётган "Мақсадли дастур" муҳокамаси кўриб чиқилиб, ЭКОСАН ва "ЎЗБЕКЭНЕРГО» Давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган электр энергетикасидан оқилона фойдаланиш, энергия ресурсларини тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ва электр энергетикаси истеъмолчиларини рағбатлантириш мақсадида ўтказилган "Мамлакатимизда ишлаб чиқилган энергия ресурсларидан тежамли фойдаланишни таъминловчи ва рақобатбардош ускунани яратиш» Республика танловининг якунлари эълон қилинди.

Танлов ғолибларига ташкилотнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Комила ҒИЁСОВА.**

*Экофорум*

## ЎЗАРО ФИКРЛАШИБ



***Жорий йилнинг 17 январь куни пойтахтимиздаги Марказий меҳмонхонада «Қишлоқ хўжалиги тадқиқотларини Минг-йиллик Ривожланиш Мақсадларига йўналтириш: халқаро ва минтақавий тажриба» мавзуида халқаро экофорум бўлиб ўтди. Унда Италия, Таиланд, Эрон давлатларидан қишлоқ хўжалиги бўйича халқаро экспертлар, Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатларидан ушбу соҳада фаолият юритувчи илмий марказларнинг раҳбарлари, шунингдек, Ўзбекистоннинг илмий марказлари, тадқиқот институтлари, фермер хўжаликлари, агробизнес соҳаси, нодавлат ташкилотларининг вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.***

Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, янги самарали технологиялар, табиий ресурсларнинг бошқариш тизимларини, уларни сақлаш стратегиясини жорий қилиш ва тарқатиш орқали ўсимлик ва чорвачилик тизимлари унумдорлигининг барқарор ошишига эришиш, шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадқиқотлар тизимини кучайтириш, қишлоқ хўжалиги фани ва амалиётида эришилган сўнгги ютуқлар, бой халқаро тажрибалар билан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишчи ва мутахассислар ҳамда фермерларни таништириш, шунингдек, янги илмий таклифларни амалиётга татбиқ этиш масалаларини муҳокама қилишдан иборатдир.

Экофорум якунлари бўйича Тошкент Декларацияси қабул қилинди. Унда озиқ-овқат хавфсизлиги, ҳосил йиғиб-терилганидан сўнг ишлаш технологиялари, комплекс деҳқончилик, Орол денгизининг қуриган тубини қишлоқ хўжалиги мақсадларида ишлатиш, генетик ресурсларни сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий илмий тадқиқотлар, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш йўналишларида тавсиялар берилди.

**Суратлар муаллифи: Асен НУРАТДИНОВ.**

*ДОНОЛАР БИСОТИДАН*

*Бировга қилинган яхшилик кишини шуниси билан ром этадики, у шафаққа ўхшаб охири ўчиб кетмайди, қайтага янада ёрқинлашиб ўзимизга қайтиб келади.*

Управление Комплексной эксплуатации Минздрава глубоко скорбит по поводу смерти начальника лечебного отдела Министерства здравоохранения Республики Каракалпакстан **КУДЯКОВА Расула Мадраимовича**

**Газета муассиси:**
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ
Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА

Таҳрир ҳайъати раиси:
Феруз НАЗИРОВ
Таҳрир ҳайъати аъзолари:
Бобур Алимов, Гавҳар Исломова, Омонтурди Миртозаев, Озода Муҳитдинова, Бахтиёр Ниёзматов, Абдураҳмон Носиров, Нурмат Отабеков, Холмурод Раббанаев, Рихси Салихўжаева, Намоз Толипов, Маряш Турумбетова, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов.

Манзилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават. Тел/факс: 133-57-73, тел.: 133-13-22.
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йилнинг 6 декабрь куни руйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0015.
Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Адади 7400 нусха. Буюртма Г-47.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

**Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.**
**Оператор-дизайнер: Намоз ТОЛИПОВ.**
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.